

## ОИЛА СИЁСАТИ ВА ОИЛА МУАММОЛАРИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7829842>

Турбоева Феруза Кўшмат қизи  
Ижтимоий иш йўналиши талабаси

**Аннотация:** мазкур мақолада Ўзбекистонда оила сиёсатини олиб борилишида хориж давлатлари тажрибасидаги энг асосий ва аҳамиятли жиҳатлари таҳлил этиб берилган. Ўзбекистон учун оиласга ёрдам кўрсатишнинг амалий масалалари тавсия этиб берилган.

**Калит сўзлар:** оила, оила сиёсати, оилавий хизмат, психологик хизмат, оиласга ижтимоий ёрдам, хуқуқий ёрдам, молиявий ёрдам, хориж тажрибаси.

Ижтимоий психологиянинг асосий муаммоларидан бири – оиласга психологик хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Айнан оилавий психологик хизмат муаммосида маҳсус илмий тадқиқотларнинг олиб борилмаганлиги, оила билан ишлаш шакллари ишлаб чиқилмаганлиги яққол кўринади. Шунингдек, мазкур муаммо ҳар бир мамлакатнинг оила сиёсатини қай даражага қўйиши билан белгиланган сиёсий масала сифатида ҳам шу муаммонинг амалиётда жорий этилишига мустаҳкам замин яратади.

Оилавий психологик хизмат – оила ва оилавий муносабатлардаги психологик муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш, муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган фаолият бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон оилаларидаги шахслараро муносабатларнинг турлари, уларнинг шахс ривожланишига таъсири, психологик хусусиятлари, айниқса, ажримлар туфайли оиласидаги фарзанднинг келгусида баркамол шахс бўлиб шаклланишига таъсири, оила мухитида низоларни ўрганишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилаётганига қарамай, сўнгти йилларда оилалардаги юз бераётган нохуш ҳолатларни юзага келтирувчи сабаблари бошқа йиллардагига нисбатан кескин тафовутга эга эканлиги кузатилмоқда. Бу эса мазкур муаммоларни чуқур ва кенг қамровда ўрганишни, уларни бартараф этишининг самарали амалий чоратадбирларини ишлаб чиқиши, оилавий психологик хизматни амалиётда жорий этишни тақазо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10-11 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштироки даврида МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Оила институти ва анъанавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёнотига фикр билдириб, оила институти ва анъанавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш

тўғрисидаги ўз фикрини қайд этиб ўтди: “Бугунги глобаллашув шароитида ҳар қандай давлат ва жамиятнинг асосини ташкил этадиган асл ва фундаментал қадриятларни унутмаслигимиз лозим”. Бундай ёндашув Ўзбекистонда ўз навбатида оила институтини такомиллаштириш учун жаҳоннинг бир қатор давлатларидағи “Оила” институтига бўлган эътибор ва қонуний асос ўрганилди.

**Франция** давлатида оиласа хизматнинг олиб борилиши ушбу жиҳатларда жорий этилган:

1. Ёлғиз оналарга ижтимоий ҳимоя мажбурий жорий этилган.
2. Оналар мактаблари ташкил этилган.
3. Мактабгача таълимга б ёшгача бўлган барча болалар жалб этилган.
4. Ижтимоий ёрдам барча фарзанди бор оиласа мактабларга кўрсатилади.
5. Аёлларга оналик ва ходим вазифасини бажаришда давлат томонидан ёрдам берилади.

Оила сиёсатининг асосий тамойиллари сифатида: сиёсатнинг оиласа қаратилганлиги; оила сиёсатининг универсаллиги; оила сиёсатининг ижтимоийлиги мавжуд[3].

Ўзбекистон учун Франция тажрибасидан оиласа ижтимоий ёрдам кўрсатишда қўллаш мумкин бўлган масалалар қўйидагилар, деб ҳисоблаймиз:

1. Она бўлган аёлларга ва меҳнат жамоаларида ходим вазифасидаги аёлларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тажрибаларини ўрганиш.
2. Жамиятда оиласининг мақомини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мақсадида барча солиқ чегирмалар ва ижтимоий тадбирлар оиласа қаратилиши чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.
3. Оиласа болалар ва ёши кексаларга қараш бўйича, таълим курсларини яратиш.
4. Навбатдан ташқари ҳолатларда оиласа мактабларга тезкор ёрдамлар кўрсатиш хизматини жорий этиш.
5. Республика миқёсида оилавий зўравонлик ҳолатларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш. Эркаклар томонидан аёлларни хўрлаш ҳолатларини бартараф этиш чораларини қўриш.

**Италия** давлатида оила институтига эътибор масаласида оиласининг миллий хусусияти оиласа узвий боғланганлик билан характерланади, яъни оилавий бизнесга катта эътибор берилади ва қўллаб қувватланади [3].

Ўзбекистон учун Италия тажрибасидан оиласа ижтимоий ёрдам кўрсатишда қўллаш мумкин бўлган масалалар қўйидагилар, деб ҳисоблаймиз:

1. Оилавий бизнесга эътиборни янада қучайтириш.
2. Оила мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида эркаклар масъулиятини ошириш.

**Дания** давлатида оила институтига эътибор масаласида мамлакатда оила манфаатлари ва ижтимоий ҳимояга қаратилган сиёсатустуворлиги, яъни оила Вазирлигитомонидан бир қатор йўналишларда фаолият олиб боради [3].

Ўзбекистон учун Дания тажрибасидан оиласа ижтимоий ёрдам кўрсатишида қўллаш мумкин бўлган масалалар қўйидагилар, деб ҳисоблаймиз:

1. Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш мақсадида миллий фонdlар ташкил этиш.

2. Ёлғиз аёллар масаласида илмий изланишлар олиб бориш ва керакли тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Германия** давлатида оила институтига нисбатан ижтимоий ҳимояга йўналтирилган сиёсатолиб борилади. Германияда оила институти ва фаровонлик давлати эканлиги; оиладаги шахслараро муносабатларнинг бир асосий қўриниши сифатида қайнона-келин муносабатларининг бошқа мамлакатлардаги ҳолати ҳақидаги маълумотлар эътиборга моликдир[1].

**Венгрия** давлатида оила институтига эътибор масаласида оила ва демография сиёсати, меҳнат, оила, ижтимоий масалалар вазирлиги фаолияти олиб борилади. Асосан аёл ва эркакларга teng имкониятлар яратиш, оила ва алоҳида ёрдамга муҳтож шахсларга ижтимоий ёрдам бериш муаммолари устуворлик касб этади.

**Швеция** давлатида эса оила институти кризисга учради. Бу давлат дунё бўйича кексалар ва қарияларни ижтимоий ҳимоясига сарфланадиган маблағ бўйича энг юқори ўринда туради. Давлатнинг 80% маблағи бепул тиббий хизмат соғлиқни сақлашни молиялаштиришга ажратилади[3].

**Норвегия** давлатида оила инқирозга учраш арафасида. Бу давлатда оила, болалик ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги мавжуд. Лекин оила сиёсатининг инқирозга учраш сабаблари сифатида туб аҳолининг фарзанд қўришни ҳохламаслиги, яъни оиласида репродуктив функцияни инкор этиши; анъанавий оила аҳамияти кескин камайганлиги; ота-оналар фарзандларини тарбиялай олмаганликлари сабабли болалар меҳрибонлик уйлари ва шу каби муассасаларда тарбияланишлари; бир жинсли никоҳлар тўлиқ тасдиқланганлигини кўрсатиш мумкин. Давлат томонидан солиқлар камайтирилиб, моддий таъминоти юқори, бола учун нафақанинг даражаси кўпайтирилган. Зта болали оилалар омадли ва бой ҳисобланилади[3].

**Словакия** давлатида ҳамоила, ижтимоий ишлар ва меҳнат вазирлиги мавжуд. Давлат болали оилаларга молиявий қўмаклашади ва болали оилаларга бола туғилишига нафақа, 3 ёки ундан кўп ёки эгизакларга ота-она нафақаси кабиларни жорий этган. Словакияда агар ота-оналар болаларини бокишимаса, болалар бошқа оила аъзоларига, яъни бобо ва бувиларга ўтказилади.

**Сингапур** давлатида Оила ривожланиши ва ижтимоий масалалар вазирлиги катта куч сифатида қаралади. Вазирликнинг асосий вазифаси инсонларни қўллаб-қувватлаш, оилани мустаҳкамлаш ва жамият ҳақида қайғуриш ҳисобланади. Оилани қўллаб-қувватлаш учун оиласа хизмат марказлари ташкил этилган.

Ўзбекистон учун Сингапур тажрибасидан оиласа ижтимоий ёрдам кўрсатишида қўллаш мумкин бўлган масалалар қўйидагилар, деб ҳисоблаймиз:

1. Сингапурнинг оиласа қаратилган электрон хизматлар фаолиятини бевосита ўрганиш ва жорий этиш.

2. Оиласа хизмат марказлари фаолиятини йўлга қўйиш.

3. Оилавий қадриятларни асраш ва ёшларга етказиш.

4. Доимий равишда фуқаролар орасида изланишлар олиб бориш.

**Туркия** давлатида Оила ва ижтимоий сиёсат вазирлиги фаолияти амалга оширилади.

Ўзбекистон учун Туркия тажрибасидан оиласа ижтимоий ёрдам кўрсатишда кўллаш мумкин бўлган масалалар қўйидагилар, деб ҳисоблаймиз:

1. Иш билан банд бўлмаган ёшлар, аёлларни касбга ўргатиш орқали, уларни касб-хунарли қилиш.

2. Касаначилик, хунармандчилик анъаналарини жорий этиш. Уюшмаган ёшларни иш билан банд этиш.

3. Аёллар, оналарга бола тарбияси, бола парваришига оид мавзуларни ўргатиш.

Шундай қилиб, оилавий психологик хизматни қайсиdir давлатда амалга ошириш шу давлатда ташкил этилган ва жорий этилган хукуқий, ташкилий, ижтимоий нормаларнинг қабул қилинганлиги билан белгиланади. Хориж тажрибасидан кўринадики, оила масаласини ҳукумат даражасига олиб чиқиш орқали давлатнинг барқарорлиги ва келажагига эътибор устувор аҳамият касб этадиҳамда ушбу йўналишда муайян тавсияларни ишлаб чиқиш, жамиятдаги ижтимоий-маънавий ва психологик муҳитни барқарорлаштиришга хизмат қиласи ҳамда оилавий психологик хизматни зарурат сифатида намоён этади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**

1. Иҳтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2021). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. *Scientific progress*, 2 (7), 586-592.

2. Иҳтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Scientific progress*, 3 (1), 328-334.

3. Хамрақулов Иҳтиёр Бахтиёрович (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАРИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2 (Special Issue 2), 140-146.

4. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 49-51).

5. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(10), 233-237.
6. Asqarova, A., Xonkeldiyeva, K., Abdumatalibova, X., & Murotova, D. (2021). Issues of increasing the competitiveness of light industry enterprises. In *Наука сегодня: проблемы и пути решения* (pp. 48-49).
7. Хайдаров, Х., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ* (pp. 59-61).
8. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Nomonjonova, F. U., Qodirova, S. Q., & Arabxonova, X. A. (2021). Classification Of Competition In The Market Of Light Industrial Goods And The Factors That Shape It. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 43-46.
9. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Abdulkarimova, R. A., Xudoyberdiyeva, X. B., & Egamberdiyeva, N. B. (2021). Theories Of Marketing Strategies To Increase The Competitiveness Of Light Industry Enterprises. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 40-42.
10. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. In *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* (pp. 34-35).
11. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.
12. Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Features of management of textile industry enterprises based on the cluster approach. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 780-783.
13. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. *The American journal of interdisciplinary innovations and research*, 3(01), 113-117.
14. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 36-39.
15. Xonkeldiyeva K., & Xo'Jamberdiyev J. (2020). IMPROVING ORGANIZATIONAL EFFECTIVENESS OF INDUSTRIAL PRODUCTION. Экономика и социум, (3 (70)), 145-147.
16. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Актуальные проблемы решения безработицы в Республике Узбекистан. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 18-19).
17. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организаций: управленческий и логистический аспекты. In *Наука сегодня: история и современность* (pp. 17-19).

18. Хонкелдиева, К., & Толибжонова, М. (2020). Механизм формирования инновационного процесса в текстильном производстве как основа адаптации к процессам глобализации. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 15-16).
19. Хонкелдиева, К., & Абдусатторова, З. (2020). Социальная инфраструктура как фактор социально-экономического развития региона. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 17-18).
20. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы: материа.*
21. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 40-41).
22. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 42-43).
23. Хонкелдиева, К. (2020). Актуальные вопросы повышения экономического потенциала текстильной промышленности. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 13-15).
24. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. In *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* (pp. 61-62).
25. Хонкелдиева, К., & Маматкулова, Ф. (2020). Социально-экономические аспекты устойчивого развития предприятия. In *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* (pp. 36-37).
26. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Оценка влияния рынка труда на уровень безработицы в Республике Узбекистан. In *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* (pp. 37-38).